

## “АВЕСТА” ДАВРИ АРХЕОЛОГИЯСИДА КЎК РАНГ ИФОДАСИ

© 2022. Шайдуллаев Шопулат, Тошалиев Қахрамон

Термиз Давлат университети

---

**Калит сўзлар:** Авеста, дахма, зардуштийлик, минерал, маъдан, кўк ранг, Кўхитанг тоғи, Пашнич, Кар.

*Ушбу мақола Сурхондарё вилояти Шерабод туманида топилган илк даҳмалар ва улардан олинган топилмалар таҳлиliga бағишланади. Даҳма зардуштийлик маросимлари билан боғлиқ диний иншоот бўлиб, “Кичик Авеста”да даҳмага қуйидагича изоҳ берилган “... даҳмада улар барча гуноҳларидан афсус чекадилар ва гуноҳларидан фориг бўладилар”. Мақолада зардуштийлик дини дафн иншоотлари сирасига кирувчи Кўхитанг тоғ ва тоғ олди ҳудудлари археологик тадқиқотларида ўрганилаётган даҳмалар ва улардан топилган кўк рангли маъданлар тўғрисида фикр юритилади. Тош конструкциялари остидан дафн ўралари топилмаган, даҳмалар материк қатлами сатҳида қурилган бўлиб, тошлар орасидан Кучук I ва III типидagi сопол буюмлари парчалари ҳамда суяк бўлаклари билан кўк рангли маъданлар топилган. Даҳмалардан аниқланган кўк рангли маъданлар, уларнинг хусусиятлари ва лаборатория таҳлил натижалари мақолада кенг ёритилган. Дунё мифологияси ҳамда этнографиясида кўк ранг билан боғлиқ эпизодлар таққослаб ўрганилган ва таснифи ҳамда белгиларда учраши солиштирилган. “Авеста”нинг “Видевдат” ва “Яшт” қисмларида кўк ранг билан боғлиқ алқовлар таҳлил қилиниб, археологик материаллар билан таққосланган. Мақолада “Авеста”даври этнографиясида кўк ранг билан боғлиқ анъаналар асосан дафн жараёнларида акс этиб, археологик қазималарда улар ўз исботини топган.*

---

## ИСПОЛЬЗОВАНИЕ СИНЕГО ЦВЕТА В АРХЕОЛОГИИ ПЕРИОДА «АВЕСТА»

© 2022. Шайдуллаев Шопулат, Тошалиев Қахрамон

Термезский государственный университет

---

**Ключевые слова:** Авеста, дахма, зороастризм, минералы, руды, синий цвет, гора Кугитанг, Пашнич, Кар.

*Данная статья посвящена ранним дахам Шерабадского района Сурхандарьинской области и найденным в них археологическим находкам. Дахма — религиозное сооружение, связанное с зороастризмом, и место, где помещали трупы для гниения. В “Малой Авесте” приводятся следующие комментарии о дахм: «...в дахме они каются во всех своих грехах и становятся невинными». В статье рассматриваются дахмы и синие минералы, обнаруженные при археологических раскопках в горах и предгорьях Кугитанга, которые относятся к зороастрийским захоронениям. Могильные ямы под каменными сооружениями не обнаружены. Дахмы сооружены на уровне материкового слоя, а среди камней найдены обломки керамики культуры Кучук I и III, а также синие минералы с костяными обломками. Приводятся свойства и результаты лабораторных анализов синих минералов, обнаруженных в дахме. В мировой мифологии и этнографии сравнительно изучены эпизоды, связанные с синим цветом, и сопоставлена их встречаемость в классификации и характеристике. Приведенные сведения о синем цвете в книгах Авесты Видевдат и Яшт анализируются и сопоставляются с археологическими материалами. Синие минералы в основном использовались в погребальных обрядах, и это обосновано проведенными археологическими раскопками.*

Ўрта Осиё археологиясида Яз I даври илк зардуштийлик урф-одатларининг шаклланиши ва тарихий вилоятлар бўйлаб тарқалиши билан характерланади (Шайдуллаев, 1990. С. 14–30, 2004. 3–12 б.; Хамидов, 2020. 12–44 б.). Шу даврдан бошлаб майитларни ерга кўмиш анъанаси ҳам барҳам топади. Илк маздапарастларга хос бўлган ката ва даҳмалар қурила бошланади (Шайдуллаев, Станчо, Тошалиев, 2020. 27–43 б.).

Зардуштийлик анъаналари табиат билан ҳамоҳангликда, уни кузатиш, ўрганиш ва мослашиш жараёнида маздапарастларга хос диний ва дунёвий қарашлар ҳам шаклланиб борган. Инсон ва табиат уйғунлиги рангларда ҳам ифодаланган. Олимлар ҳар бир ранг жилосининг инсон психикасига таъсирини ҳамда руҳияти билан боғлиқ омилларни таҳлил қилиб, ечимларини ҳам ўрганиб келмоқда. Жумладан, қизил ранг жўшқинлик, ёшлик ҳамда шижоатни, оқ ранг сокинлик, тинчликни, сариқ дўстлик ришталарини, яшил ранг табиат, яшариш ва ободликни англатса, мовий (кўк) ранг эса бепоёнликни, мавҳумликни, марҳумликни, чексизлик ва шу билан бирга тинчликни ҳам ифода этган (Маковский, 1996. С. 140).

Мовий рангли ярим қимматбаҳо ляпис лазуритдан ясалган муҳрлар Ур шаҳри ҳукмдори қабридан ёки Миср эҳромлари қазиишмаларидан топилиши заргарлик ва безак буюмлари сифатида ишлатилганлигини кўрсатади (Сарианиди, 1968. С. 3–9). Бунда ҳам қадимдан кўк ранг инсонларни ўзига жалб қилиб келганлиги ва инсонлар ўзлари учун муҳим бўлган ашёларни мовий рангдан ясаганликларини гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Кўк ранг билан боғлиқ маълумотлар археологик тадқиқотларда ҳам кузатилмоқда. Ўзбекистон – Чехия халқаро экспедицияси 2018 йилда Кўхитангтоғ ёнбағри ҳудудларида жойлашган, Ўрта Осиёдаги энг қадимги даҳмаларда олиб борган изланишлар



1-расм. D01\_03-04 даҳманинг умумий кўриниши

Рис. 1. D01\_03-04 Общий вид дахмы

Figure 1. D01\_03-04 General view of the dakhma



2-расм. D01\_03-04 даҳма ёдгорлигидан топилган кўк рангли мадан

Рис. 2. Синий минерал, найденный из дахмы D01\_03-04  
Figure 2. Blue mineral found from dakhma D01\_03-04

шаклга эга ёнма-ён иккита даҳмага ўхшаш, диаметри 9-10 метр бўлган ёдгорлик. 2018 йил июл ойи давомида ТерДУ археологлари ва талабалари мазкур тош қаламаларда қазилма ишларини олиб борди. Натижада, бир-бирига яқин жойлашган икки “даҳма” ўзаро боғлиқ, яхлит структурага эга, битта даҳма эканлиги аниқланди (Тошалиев, 2019. 121–128 б.).

Диаметри 5 метр бўлган, доира шаклли D01-003 даҳма тошлари тозалаб бўлингандан сўнг, тош қалама D01-004 даҳмага қараб йўналди. Тош йўлакнинг кенлиги 1,20–1,30 метр бўлиб, икки чеккасига йирик тошлар гишт сингари тартиб билан терилган. Даҳманинг умумий узунлиги 23,70 м метрни ташкил этди. Қурилма умумий планда икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисм доира шаклли тош қалама ва иккинчи қисм унга элтувчи тош йўлакдан иборат. Даҳмадан Кучук I ҳамда Кучук III даври сополлари, тош оралиғидан эса суяк бўлаклари ҳамда тош усти ва ораларида кўк рангли маъдан топилди.

Бу ҳолат маздапарастларнинг дафн одатлари билан боғлиқ бўлиб, шу динга эътиқод қилган жамоа даҳма устида, мотам маросимларида кўк рангдан фойдаланганлигини кўрсатади.


Кўк ранг билан боғлиқ анъаналар “Авеста”нинг Видевдат наскида куйидагича ифодаланган, ... *Бундай жойни улар куч-қувватлари етса тош, тупроқдан қуриб, устини сувасинлар. Бу ишни удалай олмасалар ўликни ё (қуруқ) ерга ёки гилам (мато) юзига қўйсинлар, майитга мовий кийим кийгизиб, юзини қуёшга қаратсинлар* (Авеста: “Видевдат”, 2007. 22–50 б.; Ртвеладзе, 2008. С. 22–163). Демак, келтирилган маълумотлар Кўхитангтоғ этакларида истикомат қилган илк маздапарастлар майитларга кўк рангли кафан кийгизиш билан бирга, майитнинг устига шу рангдаги куқунларни ҳам сепганлигини кўрсатади.

D01\_03–04 даҳма ёдгорлигида аниқланган кўк рангли маъданлар Чехия Республикаси Прага Шаҳри Карлова университети кимёвий лабораториясида анализдан ўтказилди. Натижада, у табиатда соф ҳолда учрамайдиган минераллар бирикмаси эканлиги аниқланди (3-расм).

Кимёвий анализнинг кўрсатишича, ушбу бирикма барите ҳамда “кўк барий” сульфатдан ташкил топган минерал бўлиб, одатда рангсиз призматик кристаллар ёки ин-

ри натижасида, даҳма устига кўк рангли куқун сепилганлигини қайд этди (Тошалиев, 2019. 121–128 б.). (1-расм) Қазиб ўрганилган ва D01\_03–04 рақам билан белгиланган даҳма ёдгорлигида кўк рангли маъданларга ҳам дуч келинди. Маъдан қазилманинг маркази ва шарқида, тош қалама устида ҳамда тошлар орасида, сочилган ҳолатда учради (Тошалиев, 2019. 104–107 б.) (2-расм).

D01\_003-04 даҳмаси Майдон - Зарабоғ автомобил йўлининг чап томонида, йўл ёқасида 37°45'04.6"N 66°47'52.4"E координатасида жойлашган. Ўрта қўламдаги даҳмалар қаторига оид бўлиб, ташқи кўринишдан доира ва нисбатдан овал



3-расм. D01\_03-04 даҳма ёдгорлигидан топилган кўк рангли маъданларнинг лаборатория таҳлили диаграммаси

Рис. 3. Схема лабораторного анализа синего минерала, обнаруженного на дахме D01\_03-04  
Figure 3. Scheme of laboratory analysis of the blue mineral found on Dakhma D01\_03-04

гичка оқ заррачалар шаклида учрайди. Кварцтз – чақмоқтош, яъни калците – кальций карбонатидан ташкил топган оқ ёки рангсиз минералдир. У оҳақтош, мрамар ва бўр каби чўкинди жинсларнинг асосий таркибий қисми бўлиб, кристал шаклида Исландия шпати каби пайдо бўлади ва ғорларда сталактит ва сталагмитлар сингари ҳосил бўлиши мумкин (Прага, 2020)<sup>1</sup> (4-расм).

### Pattern List #1

Icon	Scan	Pattern #	Compound Name	Formula	S-Q	System	Space Group	a
	mk #1	PDF 80-0512	Barite, syn	Ba(SO <sub>4</sub> )	61.3%	Orthorhombic	Pbnm (62)	7.14400 Å
	mk #1	PDF 33-1161	Quartz, syn	SiO <sub>2</sub>	11.6%	Hexagonal	P3221 (154)	4.91340 Å
	mk #1	PDF 72-1652	Calcite	CaCO <sub>3</sub>	3.6%	Rhombo.H.axes	R-3c (167)	4.99000 Å
	mk #1	PDF 36-1451	Zincite, syn	ZnO	23.5%	Hexagonal	P63mc (186)	3.24982 Å

b	c	alpha	beta	gamma	Y-Scale	I/Ic DB	I/Ic User
8.86500 Å	5.44500 Å				59.54%	2.790	0.000
	5.40530 Å				14.55%	3.600	0.000
	17.00200 Å				4.03%	3.200	0.000
	5.20661 Å				36.77%	(1)	4.500

4-расм. D01\_03-04 даҳма ёдгорлигидан топилган кўк рангли маъданларнинг лаборатория таҳлили динамикаси

Рис. 4. Динамика лабораторного анализа синего минерала из дахмы D01\_03-04  
Figure 4. Dynamics of laboratory analysis of the blue mineral from dakhma D01\_03-04

Лаборатория таҳлилларидан кўришимиз мумкинки, D01\_03-04 даҳма ёдгорлигидан топилган кўк рангли минерал табиатда соф ҳолда учрамайдиган қотишма бўлиб, ҳозиргача аниқланмаган, демак бу маъдан бизга номаълум услубда тайёрланган минерал бирикмаси бўлиб, кўк рангни берувчи бўёк сифатида фойдаланилган (1-жадвал).

## Peak List #1

Index	Scan	Angle	d Value	Net Intensity	Gross Intensity	Rel. Intensity
1	mk #1	15.940 °	5.55546 Å	173	762	1.4%
2	mk #1	17.380 °	5.09830 Å	96.7	640	0.8%
3	mk #1	20.045 °	4.42616 Å	1214	1700	9.8%
4	mk #1	20.483 °	4.33256 Å	2221	2696	17.8%
5	mk #1	20.849°	4.25730 Å	251	718	2.0%
6	mk #1	22.835 °	3.89131 Å	3523	3955	28.3%
7	mk #1	23.050 °	3.85540 Å	137	567	1.1%
8	mk #1	23.614°	3.76464 Å	572	997	4.6%
9	mk #1	24.908 °	3.57184 Å	4740	5153	38.1%
10	mk #1	25.901 °	3.43714 Å	12454	12856	100.0%
11	mk #1	26.652 °	3.34196 Å	1911	2304	15.3%
12	mk #1	26.899 °	3.31181 Å	6948	7338	55.8%
13	mk #1	28.801 °	3.09734 Å	7078	7443	56.8%
14	mk #1	29.432 °	3.03232 Å	478	834	3.8%
15	mk #1	31.584 °	2.83044 Å	3097	3428	24.9%
16	mk #1	31.791 °	2.81247 Å	3596	3925	28.9%
17	mk #1	32.831 °	2.72572 Å	3295	3614	26.5%
18	mk #1	34.441 °	2.60192 Å	2182	2487	17.5%
19	mk #1	36.269 °	2.47487 Å	5784	6078	46.4%
20	mk #1	36.675 °	2.44837 Å	77.5	369	0.6%
21	mk #1	38.765 °	2.32109 Å	1094	1376	8.8%
22	mk #1	39.141 °	2.29963 Å	524	805	4.2%
23	mk #1	39.546 °	2.27700 Å	381	663	3.1%
24	mk #1	40.855 °	2.20705 Å	1437	1716	11.5%
25	mk #1	41.648 °	2.16682 Å	158	436	1.3%
26	mk #1	42.660 °	2.11775 Å	3662	3936	29.4%
27	mk #1	42.977 °	2.10282 Å	3032	3305	24.3%
28	mk #1	43.031 °	2.10030 Å	2622	2895	21.1%
29	mk #1	44.114 °	2.05125 Å	986	1253	7.9%
30	mk #1	46.624 °	1.94648 Å	78.1	337	0.6%
31	mk #1	47.093 °	1.92818 Å	413	671	3.3%
32	mk #1	47.561 °	1.91030 Å	1120	1376	9.0%
33	mk #1	49.108 °	1.85367 Å	715	964	5.7%
34	mk #1	50.170 °	1.81691 Å	34.4	281	0.3%
35	mk #1	51.089 °	1.78635 Å	324	575	2.6%
36	mk #1	51.884 °	1.76086 Å	317	571	2.5%
37	mk #1	52.189 °	1.75128 Å	426	681	3.4%
38	mk #1	52.986 °	1.72677 Å	168	426	1.4%
39	mk #1	53.238 °	1.71920 Å	108	366	0.9%

40	mk #1	54.548 °	1.68097 Å	370	630	3.0%
41	mk #1	54.900 °	1.67103 Å	684	943	5.5%
42	mk #1	55.395 °	1.65725 Å	101	360	0.8%
43	mk #1	56.171 °	1.63620 Å	319	577	2.6%
44	mk #1	56.616 °	1.62437 Å	1568	1827	12.6%
45	mk#1	57.848 °	1.59268 Å	205	460	1.6%
46	mk#1	58.128°	1.58568 Å	155	409	1.2%
47	mk#1	60.358 °	1.53231 Å	451	708	3.6%
48	mk#1	60.727 °	1.52389 Å	264	522	2.1%
49	mk#1	62.095 °	1.49356 Å	137	397	1.1%
50	mk#1	62.885 °	1.47668 Å	1209	1469	9.7%
51	mk#1	63.081 °	1.47257 Å	394	654	3.2%
52	mk#1	63.957 °	1.45450 Å	134	393	1.1%
53	mk#1	65.404 °	1.42577 Å	410	667	3.3%
54	mk#1	65.697 °	1.42013 Å	423	679	3.4%
55	mk#1	66.414 °	1.40651 Å	329	583	2.6%
56	mk#1	66.534 °	1.40427 Å	251	505	2.0%
57	mk#1	66.905 °	1.39737 Å	312	564	2.5%
58	mk#1	67.735 °	1.38226 Å	292	541	2.3%
59	mk#1	67.973 °	1.37800 Å	1039	1286	8.3%
60	mk#1	68.160°	1.37468 Å	233	479	1.9%
61	mk#1	68.839 °	1.36276 Å	245	487	2.0%
62	mk#1	69.109 °	1.35809 Å	572	812	4.6%
63	mk#1	69.766 °	1.34691 Å	149	385	1.2%
64	mk#1	71.443 °	1.31935 Å	232	466	1.9%
65	mk#1	72.580 °	1.30146 Å	142	376	1.1%
66	mk#1	72.813°	1.29787 Å	190	424	1.5%
67	mk#1	75.363 °	1.26015 Å	385	613	3.1%
68	mk#1	76.988 °	1.23756 Å	130	353	1.0%
69	mk#1	77.877 °	1.22564 Å	68.8	295	0.6%
70	mk#1	78.518 °	1.21723 Å	128	356	1.0%
71	mk#1	79.788 °	1.20102 Å	87.0	373	0.7%

1-жадвал. D01\_03-04 даҳма ёдгорлигидан топилган кўк рангли маъданларнинг лаборатория натижаларида минераллар ва кимёвий бирикмалар таркиби

Таблица 1. Состав минералов и химических соединений по результатам лабораторных исследований синих минералов из дахмы D01\_03-04

Peak list 1. The composition of minerals and chemical compounds according to the results of laboratory studies of blue minerals from dakhma D01\_03-04

Ҳозирги кунда Кўхитангтоғ этагида яшовчи халқлар этнографик анъаналари ҳамда оғзаки ижодида ҳам кўк ранг билан боғлиқ ҳақоратлов сўзлар сақланиб қолган. Масалан, бир инсон иккинчиси билан айтишиб, урушиб қолса жahl устида, уни койиш ёки ҳақорат қилиш мақсадида “кўкийни кияй”, дея койиш, қарғаш одати мавжуд. Бу

гап “сен учун азадор бўлиб, кўк рангли мотам либосини кийишни” англатади, ва аниқ ўлим тилаш билан боғлиқ сўзни ифодалайди (Кайрит, 2018)<sup>2</sup>.

Айнан мотам маросимларида кўк ранг билан боғлиқ маълумотни Эрон ва Турон хукмдорлари кураши тарихини ўзида мужассамлаштирган Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асарининг “*Сиёмакни дев қўлида вафот этиши*” бандида ҳам кўришимиз мумкин.

*Сипоҳда ҳар киши зор гирён бўлди,  
Бу мотамда бари дил вайрон бўлди.  
Сипоҳ келаверди йиглаб зору-зор,  
Подшоҳ ҳузурида саф чекиб бисёр.  
Пиликдек кўк либосда алар барчаси,  
Кўзларда қонли ёш, вовайло саси (Фирдавсий, 1984. 14–15 б.).*

Археологик тадқиқотлар натижасида кўришимиз мумкинки, Кўхитангтоғ ён бағри худудларида яшаган, Кучук I даври аҳолиси тўлиқ зардуштийлик динига эътиқод қилганлар (Шайдуллаев, Станчо, Тошалиев, 2020. 27–43 б.). Кучук III даврида эса дин тақомиллашиб ўзининг қатъий қоидаларига эга бўла бошлаган (Шайдуллаев, Хамидов, 2018. 11–23 б.).

Биз ўрганган кўк рангли маъдан инсон тафаккури маҳсули бўлиб, қадимдан Кўхитанг тоғ худудларида яшаган халқлар ранглари сунъий ярата олганликлари намунасидир. Кўк ранг билан боғлиқ маълумотларни таҳлил қиларканмиз у кўплаб жаҳон халқлари мифологиясида ўлим, азадорлик ва куч қудратни ифода этувчи ранг сифатида эътироф этилганлигини гувоҳи бўламиз.

Япон халқлари мифологиясида одамларнинг тарқалиши ҳамда илк давлатларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ эпизодлар келтирилган. Бу мифологияда учта ака-ука ва номаълум учта сандиқ ҳамда улар ичидан чиққан маликалар ҳақида сўз боради. Денгиз қирғоғидан топилган учта сандиқ, сандиқ ичида бўлган учта малика ва уларга ака-укалар уйланиши шундан уч подшолик вужудга келганлиги баён этилган. Бу эпизодда қизлар мовий рангли ҳарир либосда тасвирланган, ва бу улар номаълум дунёдан келганлигини рамзий маънода акс эттирган (Самозванцев, 2000. С. 300). Қадимги Хитой мифологиясида кўк ранг куч қудрат рамзини англатиш билан бирга мавҳумлик, тушуниб етмаган ҳодисаларга нисбатан ҳам қўлланилган. Жанубий Хитойда турли маросимлар учун аждар танасини ранг-баранг рангларида акс эттирилиб, акробатлар томоша кўрсатганлар, эътиборлиси шундаки, аждар териси асосан мовий рангда бўялган. Аждарҳо терисини кўк рангда акс этиши ҳам чексизлик, номаълум дунё ва куч қудрат рамзи сифатида акс этган (Самозванцев, 2000. С. 140). Беруний асарларида маъданлар ва минераллар ҳақида сўз борар экан, унда жумладан Цейлон, Бирма, Сиам, Помир, Бадахшон ва Шуғнон каби жойларда турли минерал тошлар қонлари мавжуд эканлиги айтиб ўтилган. Шунингдек, асарда минералларнинг ранглари хусусияти ва қайси худуд халқлари фойдаланганлиги ҳамда рангларнинг этнографик таснифи ҳақида ҳам баён қилинган (Беруний, 2017. 290 б.).

“Авеста”да ҳам кўк ранг билан боғлиқ алқовларни кўришимиз мумкин. Унда келтирилган Кўк Арез-Бу илоҳий балиқни ифодалаб, эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги курашда намоён бўлган. Айрим матнларда Кар шаклида ҳам учрайди ва кўк рангли балиқ чексизлик, мавҳумлик ва айниқса, куч қудратни акс эттирган (Чунакова, 2004. С. 133).

Пашнич “Авеста” матнларида мовий ранг билан боғлиқ кудратли кўк бўри номини беради, худди кўк дев кабидир (Чунакова, 2004. С. 172). “Авеста”да Семурғ куши ҳам мовий рангда ифодаланганлигини кўришимиз мумкин (Чунакова, 2004. С. 173; “Авеста” Яшт, Тиштр яшт, 2001. 72–74 б.).

Ўзбек халқ эртакларида ҳам Семурғ кушини эзгулик, чексизлик ва куч кудрат, давлат рамзи сифатида тараннум этилганлигини кўришимиз мумкин (Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, С - харфи). Семурғ куши тасвири ва унинг таснифи “Култегин битиктоши” ҳамда “Билга ҳокон”да аниқроқ ифодаланган (Содиқов, 2019. 3–22 б.).

“Авеста”нинг Яшт қисмида осмон кўк ранг тимсолида тараннум этилган бўлса (“Авеста” Яшт, Тиштр яшт, 2001. 72 б), само ҳукмдори паҳлавий тилида ОСМОН, дея битилганлигини кўришимиз мумкин (Чунакова, 2004. С. 34–277). Олтой князлари ва уларнинг урф – одатларида ҳам ҳукмдорлик либоси сифатида оқ ва кўк рангга эътибор берилганлигини кўришимиз мумкин (Сағалаев, 1992. С. 57). Шимолий Европа ҳудудида яшовчи эстонияликлар ўзларининг ажиб урф – одатларини сақлаб келмоқдалар, улар дафн маросимида кўк ва сариқ рангли пайпоқ кийиб оладилар. Бу ёшга қараб ўзгарган. Агар майит ёш бўлса сариқ рангли пайпоқ кийганлар, майит кекса бўлса кўк рангли пайпоқ киядилар, бунда эса кўк ранг вафот этган киши ёши улуғ эканлигини англатган (Тайлор, 2000. С. 397). Бизга маълумки, ҳиндуизм динига эътиқод қилувчи халқлар ўликларни ёқадилар, қизиғи шундаки, майит танасидан кўк рангли шуъла чиқиб қолгунча оловда куйдирилади. Майит танасидан кўк рангли шуъла чиқиши унинг руҳи чексизликка, яъни нариги дунёга кетганини билдиради (Тайлор, 2000. С. 461). Насронийлар черковлари деворларида ишланган майолика ва мозаикалар ҳам мовий рангда ишланган бўлиб, дин етакчилари чексиз кудратга эга эканлигини кўрсатади (Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, М- харфи). Сима Сян Бой-шан, дея номлаган Тянь Шань тоғи ҳам асл маънода кўк тангри тоғи маъносини англатиб улуғворлик ва куч кудрат маъноларини берган (Хасанов, 1978. С. 4).

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, нафақат “Авеста”даври жамоаси, балки бошқа динга эътиқод қилган халқларнинг ҳам қадим анъаналари (Toshaliyev, 2020. P. 360–367) ва урф одатларида кўк ранг билан боғлиқ турли таснифларни кўришимиз мумкин. Табиатда инсон кўз ўнгида само ва уммон кўк рангда намоён бўлади. Само ва уммон чексизлигини инсон ақл заковати идрок эта олмаган, шу сабабли киши ўзи учун ноаниқ бўлган нарсалар ва жараёнларни ифода этишда кўк рангдан фойдаланганлигини гувоҳи бўлишимиз мумкин. Айнан Д01\_03–04 даҳма ёдгорлигида археологик тадқиқот натижасида қўлга киритилган кўк рангли минераллар (Тошалиев, 2019. С. 104–107; Ihuillier, Shaydullaev, 2019. P. 12–13) ҳам зардуштийлик динига эътиқод қилган халқлар инсон ўлгандан кейин руҳи бошқа номаълум дунёга кетишига ишонганларини кўрсатади (Toshaliyev, 2020. P. 360–367). Шунинг учун ҳам инсон ўлгандан кейин мавҳум ёки ноаниқ дунёга кетишини (Авеста: “Видевдот”, Исҳоқов, 2007 22–50 б.; Ртвеладзе, 2008. С. 22–163). ифодаси сифатида кўк рангдан фойдаланганлар. Кейинчалик, зардуштийлик дини такомиллашиши натижасида майит учун кўк рангли матодан фойдаланиш одати кенг ёйилиб борган.

#### ЭСЛАТМА:

<sup>1</sup> Лаборатория натижалари // Чехия, Прага Шаҳри Карлова университетиде амалга оширилди. 2020 йил.

<sup>2</sup> Кайрит қишлоғи. 20 июн. 2018 йил. Дала ёзуви маълумотлари (Очилов Курбонбободан олинган).

**Фойдаланилган адабиётлар:**

- Абу Райхон Беруний*. Собрание сведений для познания драгоценностей (Минералогия). Санкт-Петербург: “Петербургское лингвистическое общество”, 2011. 600 с.
- Абулқосим Фирдавсий*. Шоҳнома. Тошкент: “Ғофур ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти”, 1984. 677 б.
- Авеста*. “Закон против дэвов” Видевдат. Адаптированный перевод, исследование и комментарии Э. В. Ртвеладзе, А. Х. Саидова, Е. В. Абдуллаева. М.-СПб, изд. Политехнического университета, 2008. 301 с.
- Авеста*. Хордэ Авеста (Младшая Авеста) / Подготовка авестийского текста, перевод, предисловие, комментарий М. В. Чистякова. СПб. 2005. 384 с.
- Авесто*. “Видевдог” китоби (М. Исхоков таржимаси). Тошкент: “Университет”, 2007. 112 б.
- Маковский М. М.* Сравнительный словарь мифологической символики в индоевропейских языках. Образ мира и миры образов. М.: “Гуманитарный издательский центр ВЛАДОС”, 1996. 416 с.
- Сагалаев А. М.* Алтай в зеркале мифа. Новосибирск: “Наука”, 1992. 176 с.
- Самозванцев А. М.* Мифология Востока. М.: “Алетейа”, 2000. 384 с.
- Сарианиди В. И.* О великом лазуритовом пути на древнем Востоке // КСИА. Вып. 114. Москва, 1968. С. 3–9.
- Содиқов Қ.* Тошни тирилтирган битиклар // «Ёшлик». № 5. Тошкент, 2016. 3–22 б.
- Тайлор Э. Б.* Миф и обряд в первобытной культуре / Пер. с англ. Д. А. Коропчевского. Смоленск: “Русич”, 2000. 624 с.
- Тошалиев Қ.* Кўхитангтоғ даҳмалари // “Қадимий Жиззах воҳаси – Марказий Осиё цивилизацияси тизимида (сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаёт)” мавзуидаги Республика илмий-амалий конференция материаллари. Тошкент: “Vneshinvestprom” нашри, 2019. 121–128 б.
- Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2003. 676 б.
- Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2004. 245 б.
- Хамидов О. А.* Шимолӣ Бактриянинг Кучук I даврига оид янги ёдгорликлари // Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Тошкент, 2020. 12–22 б.
- Хасанов Х. К.* этимологии названия Тянь-Шань // Советская тюркология. Баку, 1978. № 4. С. 136–139.
- Чунакова О. М.* Пехлевийский словарь зороастрийских терминов, мифических персонажей и мифологических символов. М.: “Восточная литература”, 2004. 286 с.
- Шайдуллаев Ш.* “Авеста” ва моддий маданият // *O'zbekiston tarixi*. № 3. Тошкент, 2004. 3–12 б.
- Шайдуллаев Ш. Б.* Северная Бактрия в эпоху раннего железного века. Ташкент, “Издательство народного наследия имени Абдуллы Кодыри”, 2000. 119 с.
- Шайдуллаев Ш. Б., Хамидов О. А.* “Авеста” катасининг археологик асослари // “*O'zbekiston arxeologiyasi*”. № 1 (16). Самарканд, 2018. 11–23 б.
- Шайдуллаев Ш., Станчо Л., Тошалиев Қ.* “Қабрсиз маданият” даҳмалари // “*O'zbekiston arxeologiyasi*”. № 4 (23). Самарканд, 2020. 27–43 б.
- Johanna Lhuillier, Shapulat Shaydullaev.* Mission archéologique française en Bactriane Protohistorique // Ouzbékistan (MAFBAP) Rapport d'activité 2019. PP. 12–13.
- Toshaliyev K. B.* Family relations in the “Avesto” // *International Journal For Advanced Researchs*. Vol. 7. Issue 10. PP. 43–47.
- Toshaliyev K. B.* The dakhmas of Central Asia and some considerations // *The American Journal of Social Science and Education Innovations*. Vol. 2. Issue 10. PP. 360–367

**REFERENCES:**

- Abu Rayhon Beruniy. 2011. *Sobraniye rezul'tatov dlya poznaniya dragotsennostey (Mineralogiya) (Collection of results for the knowledge of jewels (Mineralogy)*. Sankt-Peterburg: Peterburgskoye lingvisticheskoye obshchestvo Publ., 190 (in Russian).
- Abulkosim Firdavsij 1984. “*Shohnoma*” (*Shohnoma*). Tashkent: “Literature and art named after Ghafur Ghulam” Publ., 14–15 (in Uzbek).
- Avesta “Zakon protiv devov” Videvdat*. 2008. Adaptirovannyy perevod, issledovaniye i komentarii E. V. Rtveldaze, A. Kh. Saidova, Ye. V. Abdullayeva. Moscow-Sankt-Peterburg, “Politekhnicheskiy universitet” Publ., 301 (in Russian).

- Avesta. Khorde Avesta. (Mladshaya Avesta). Avesta. Horde Avesta (Younger Avesta)*. 2005. Preparation of the Avestan text, translation, preface, commentary by M. V. Chistyakov. Sankt-Peterburg, 330–333 (in Russian).
- Avesta: "Videvdot" kitobi*. 2007. (M. Isxokov tarzhimasi) (*The book "Videvdot" (translated by M. Ishakov)*). Tashkent: "Universitet" Publ., 50 (in Uzbek).
- Makovskiy M. M. 1996. *Sravnitel'nyy slovar' mifologicheskoy simboliki v indoyevropeyskikh yazykakh. Obraz mira i miry obrazov (Comparative Dictionary of Mythological Symbols in Indo-European Languages. The image of the world and the worlds of images)*. Moscow: "Gumanitarnyy izdatel'skiy tsentr VLADOS", Publ., 416.
- Sagalayev A. M. 1992. *Altay v zerkale mifa (Altai in the mirror of myth)*. Novosibirsk: "Nauka" Publ., 176.
- Samozvantsev A. M. 2000. *Mifologiya Vostoka (Mythology of the East)*. Moscow: "Aleteyya" Publ., 140 (in Russian).
- Sarianidi V. I. 1968. *O velikom lazuritovom puti na drevnem Vostoke (About the great lapis lazuli route in the ancient East)*. KSIA (Brief reports on reports and field research of the Institute of Archeology). Issue 114. Moscow: 3–9 (in Russian).
- Sodiqov Q. *Toshni tirlitirgan bitiklar (The inscriptions that revived the stone)*. Yoshlik (Youth). Issue 5. Tashkent, 23–22 (in Uzbek).
- Taylor E. B. 2000. *Mif i obryad v pervobytnoy kul'ture (Myth and ritual in primitive culture)*. Transl. English. D. A. Koropchevsky. Smolensk: "Rusich" Publ., 397 (in Russian).
- Toshaliyev Q. 2019. *Kuhitangtog dahmalari (Dahmas Kuhitang) // "Qadimij Zhizzax vohasi – Markazij Osiyo civilizatsiyasi tizimida (siyosij, iktisodij, madaniy xayot)" mavzuidagi Respublika ilmiy-amaliy konferentsiya materiallari*. Tashkent, "VNESHINVESTPROM" Publ., 121–128.
- Uzbekiston milliy e'nsiklopediyasi (National Encyclopedia of Uzbekistan) 2003*. Tashkent: "National Encyclopedia of Uzbekistan" Publ., 676 (in Uzbek).
- Uzbekiston milliy e'nsiklopediyasi (National Encyclopedia of Uzbekistan) 2004*. Tashkent: "National Encyclopedia of Uzbekistan" Publ., 245 (in Uzbek).
- Khamidov O. A. 2020. *Shimoliy Baxtriyaning Kuchuk I davriga oid yangi yodgorliklari (New monuments of the Kuchuk I period of Northern Bactria) // Tarix fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) darajasini olish uchun yozilgan dissertatsiya avtoreferati*. Tashkent: 12–22 (in Uzbek).
- Khasanov X. 1978. *K etimologii nazvaniya Tyan'-Shan' (To the etymology of the name Tien Shan) // Soviet Turkology*. Issue 4. Baku, 136–139 (in Russian).
- Chunakova O. M. 2004. *Pekhleviy'skiy Slovar' Zoroastriyskikh Terminov (Pahlavi Dictionary of Zoroastrian Terms). Mythical Characters and mythological symbols*. Moscow: "Vostochnaya literature" Publ., 133–172 (in Russian).
- Shaydullaev Sh. 2004. *"Avesta" va moddiy madaniyat (Avesta and material culture) // O'zbekiston tarixi*. Issue 3. Tashkent: 3–12 (in Uzbek).
- Shaydullayev Sh. B. 2000. *Severnaya Baktriya v epokhu rannego zheleznogo veka (Northern Bactria in the Early Iron Age)*. Tashkent: "Abdulla Kodyri National Heritage" Publ., 64 (in Russian).
- Shajdullaev Sh. B., Khamidov O. A. 2018. *"Avesta" katasining arxeologik asoslari (Archaeological basis of the Avesta error)*. O'zbekiston arxeologiyasi. Issue 1 (16). Samarkand: 11–23 (in Uzbek).
- Shaydullaev Sh., Stancho L., Toshaliyev Q. 2020. *"Qabrsiz madaniyat" dahmalari (Dahmas of "culture without graves")*. O'zbekiston arxeologiyasi. Issue 4 (23). Samarkand: 27–43 (in Uzbek).
- Lhuillier Johanna, Shaydullaev Shapulat. 2019. *Mission archéologique française en Bactriane Protohistorique. Ouzbékistan (MAFBAP) Rapport d'activité 12–13 (in English)*.
- Toshaliyev K. B. 2020. *The dahmas of Central Asia and some considerations*. The American Journal of Social Science and Education Innovations. Vol. 2. Issue 10. 360–367 (in English).
- Toshaliyev K. B. 2022. *Family relations in the "Avesto"*. International Journal For Advanced Researchs. Vol. 7, Issue 10. 43–47 (in English).

## EXPRESSION OF BLUE COLOUR IN AVESTA ARCHAEOLOGY

© 2022. Shopulat Shaydullaev, Kakhraman Toshaliyev

*Termez State University*

---

**Keywords:** Avesta, dakhma, Zoroastrianism, mineral, ore, blue, Kohitang Mountain, Pashnich, Kar.

*This article is dedicated to the first dakhmas found in the Sherabad district of the Surkhandarya region, and finds from them. Dakhma is a religious site associated with Zoroastrianism and a place where corpses are placed to rot. In the Khorde Avesta, dakhma is explained as follows: "... in dakhma they repent of all their sins and forgive their sins".*

*The article discusses the dakhmas and blue minerals found in the archeological excavations of the Kohitang Mountains and foothills, which are among the Zoroastrian burial sites. No burial pits were found under the stone structures. Dakhmas were built on the natural subsoil; fragments of pottery of the Kuchuk I and III cultures, as well as blue minerals with fragments of bone were found among the stones. The blue minerals found in the dakhmas, their properties, and the results of laboratory analysis are extensively covered. In world mythology and ethnography, episodes related to the color blue have been studied comparatively and their occurrence in classification and characterization has been compared. Some data about blue color in the Videvdad and Yasht books of the Avesta has been analyzed and compared with archeological materials.*

*In the article in the ethnography of the Avestan period, the traditions associated with the blue color are reflected mainly in the funeral processes, which has been proven by archaeological excavations.*